



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 22 октябрь, № 218 (7448)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг



МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС БУЛОҒИ

Пойтахтимиздаги Халқаро Конгресс марказида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали байрам тадбиридан репортаж.



Халқимиз бугунги тонгни, шубҳасиз, ҳар доимгидан-да кўтаринки кайфиятда, баланд руҳда кутиб олди. Миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебахо маънавий бойлигимиз қадр топган, давлат тили сифатида эътироф этилган кун дилларимизни қувончга, шуккуҳга тўлдирди.

Дарҳақиқат, тил — миллатнинг бош белгиси. Ўз она тилидан маҳрум миллат тили истеъмолда бўлган халқлар ичига сингиб кетишга маҳжум. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, "Миллий тилин йўқатмак — миллатнинг руҳини йўқатмакдир".

Собиқ иттифоқ даврида ўзбек тилининг мулоқот доираси жуда торайиб, у расмий эътибордан четда қолган эди. Она тилимиз деярли "уй-рўзгор тили"га айланганди. Миллатимиз фидойилари тилимизни имкон даражада ҳимоя қилдилар, унинг ривожини учун курашдилар. Ўша пайтдаги қалтир вазият ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мураккабликларга қарамай, 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши миллий мустақилликни қўлга киритишда дастлабки дадил қадамлардан бири эди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
сурати.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, мухтарам юртдошлар!

Азиз дўстлар!
Аваллабор, мана шу қувончли айёмда барчангизни азим пойтахтимизнинг марказида барпо этилган, кунги кеча ишга туширилган мухташам ва улугвор кошонада ҳузур кайфиятда қўриб, қутлаб турганимдан гоётада бахтиёрман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни тарихий сана — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллиги билан самимий муҳаббат билан қўриб, қутлаб турганимдан гоётада бахтиёрман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яққол намойён этадиган янги бино ва иморатлар бугун барча шаҳар ва вилоятларимизда қўллаб-қўллаб кўтарилмоқда.

Албатта, уларнинг орасида "Тошкент-Сити" ишбилармонлик маркази алоҳида ажралиб туради.

Гувоҳ бўлиб турганимиздек, "Тошкент-Сити" маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятини яққол мужассам этади.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад — замонавий, "ақли шаҳар" барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ва инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гузал пойтахтимиз жозибadorлигини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида ишлаб чиқилган Харакатлар стратегиясини изчил амалга ошираётганимиздан халқимиз ва халқаро ҳамжамият яхши хабардор, албатта. "Тошкент-Сити" марказини барпо этиш гоёси ҳам айнан ўша стратегия билан бир пайтда тузилган эди.

Ўзбекистон таърихида биринчи бўлиб шундай катта миқёсдаги ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун кўп нарсани янгиликдан ўрганишимиз, тинимсиз изланишга тўғри келди.

Курилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этади.

Барчангиз қўриб турибсиз, бугун бу ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Насиб этса, 2021 йилда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ушбу марказ халқимизга ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат қилишни бошлайди.

Қисқача айтганда, "Тошкент-Сити" маркази Ўзбекистонда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошлангани, бу соҳада биз кўп нарсани қўриб олганимизни кўрсатади, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг очик ва конструктив сиёсати билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб бормоқда. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, молиявий институтлар, ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистонда қатор тадбирлар, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Табиийки, келгусида бу жараёнлар янада кучаяди, Ўзбекистон яна кўплаб йирик халқаро саммитлар, форум ва симпозиумларга мезбонлик қилади.

Шу маънода, ушбу мухташам мажмуа нафақат давлатимиз, балки халқаро аҳамиятга эга бўлган янги гоё ва ташаббуслар туғилаётган, муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинадиган масканга айланади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муаззам саройининг бунёдкорларига — моҳир меъмор ва лойиҳачиларга, ишчи-муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўз номидан, халқимиз номидан чўқур миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар!
Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврининг, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлмиш мана шу бетакорор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга — давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказаятганимиз беҳиз эмас.

Бугун ушбу мухташам мажмуага дастлабки азиз меҳмонлар сифатида ташриф буюрган сиз, кадрли юртдошларимизни, мухташам фахрийларимизни, она тилимизнинг жонкуяри бўлган зиёлиларимизни, депутат ва сенаторларимизни, фаол ёшларимизни, дипломатик корпус вакилларини чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу муаззам кошона барчамизга, бутун халқимизга муҳаббат билсин! Ҳузур келибсиз, азиз дўстлар!

Кадрли ватандошлар!
Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебахо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас макомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизиларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ турсин.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва галабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият нуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналар яратганлар.

Ўтмишда ўлкамизни босиб олган турли ёвуз қуллар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиздан жудо қилишга қайтакайта уриндилар. Улар эл-юртинги бошига қандай азоб-укубатлар, қулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз озодлиги ва истиқлоли учун мардона курашди. Бу йўлда беҳисоб қўронлар берди. Ҳар қандай зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўз она тили — миллий гурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

Бу борада маънавий жасорат ва фидойилик кўрсатган буюк арбобларимиз, адиб ва олимларимиз, улаомларимиз, улуг санъаткорларимизнинг хотирасини бугун ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ушбу қутлуг айёмни байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябрь санасини — "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган кунни эслашимиз ўринлидир.

Юртимизда мустақил тузум ҳоли ўз ҳукмини ўтказиб турган гоё оғир шароитда халқимизнинг тақдирини ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атирофида қандай қизгин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, ўйлаётганини, қўпчилик юртдошларимиз жуда яхши эслашди. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидойи ва ватанпарвар зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз Муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримовнинг сиёсий иродаси катта ўрин тутди.

Ушбу қутлуг айёмни байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябрь санасини — "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган кунни эслашимиз ўринлидир.

Юртимизда мустақил тузум ҳоли ўз ҳукмини ўтказиб турган гоё оғир шароитда халқимизнинг тақдирини ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атирофида қандай қизгин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, ўйлаётганини, қўпчилик юртдошларимиз жуда яхши эслашди. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Юртимизда мустақил тузум ҳоли ўз ҳукмини ўтказиб турган гоё оғир шароитда халқимизнинг тақдирини ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атирофида қандай қизгин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, ўйлаётганини, қўпчилик юртдошларимиз жуда яхши эслашди. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Юртимизда мустақил тузум ҳоли ўз ҳукмини ўтказиб турган гоё оғир шароитда халқимизнинг тақдирини ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Юртимизда мустақил тузум ҳоли ўз ҳукмини ўтказиб турган гоё оғир шароитда халқимизнинг тақдирини ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебахо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустақам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жаҳонларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий аънона ва қадриятларга садоқат, улуг аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмачиси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь санасини "Ўзбек тили байрами кунини" деб эълон қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ходимларининг умумий чекланган сони 9 та штат бирлигидан иборат Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилсин ва унинг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Давлат тилини ривожлантириш департаментининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингнинг амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш; давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш; давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

давлат тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, "Ўзбек тили байрами кунини"ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекона мўқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объекتلарга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш; давлат тилини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) уч ой мuddатда:
"Ўзбек тили байрами кунини"ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини;

(Давоми 2-бетда).

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ўзбекистонда «Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги» бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Мирзо Улугбек АБДУСАЛОМОВ билан суҳбат.

Сайлов — 2019

Демократия руҳи

— Мирзо Улугбек Элчиёвич, Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йилнинг 20 октябидан 20 ноябргача мамлакатимизда «Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги»ни ташкил этишга доир қарор қабул қилинди. Журналистлар ушбу ҳужжат сайловларга тайёргарликнинг янги bosқичини бошлаб берганини таъкидлашмоқда. Аввало, шу ҳақда сўз юритсанмиз.

— Моҳиятан олганда, давлат ҳокимияти вакили органлари депутатлиги сайловлар — бир кунда ўтадиган сиёсий тадбир. Лекин одатда унга оила, ҳатто йиллаб тайёргарлик қўрилади. Чунки сайловлар яқин ва олис истиқбол учун белгилаб бериладиган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 22 декабрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайловларга тайёргарлик ишлари давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бундан икки йил аввал бошланган эди.

Президентнинг томонидан имзоланган ва 2019 йилнинг 25 июндан амалда бўлган жорий этилган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси миллий сайлов қонунчилигини тарихида улкан воқеа бўлди.

Жорий йилги сайловларда энг муҳим янгилик, шубҳасиз, сайловларнинг илк бор Сайлов кодекси асосида ўтказилиши билан боғлиқ.

Кодексдан сайловларни умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очиқ-ошкора ва шаффоф ўтказишга хизмат қиладиган ўттиздан ортқ янги норма ва қоидалар жўй олиб, илгари амалда бўлган қўллаб-қувватловлар чиқариб ташланди.

Сайлов қонунчилиги мамлакатимизнинг кўп йиллик миллий сайлов тажрибаси, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари ва тараққиёт эҳтимоли давлатларнинг илгор тажрибасига мувофиқ ривожланмоқда. Бу борада эришилган муваффақиятларимизни нафақат миллий экспертлар, балки халқаро мутахассислар ҳам кенг эътироф этмоқда.

Ҳамма ташкилотларга тайёргарликдан бошлаганимиз боиси шундаки, «Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги»ни ўтказишга оид қарор миллий сайлов қонунчилигини амалга оширишда муҳим ўзгаришларни, аввало, сайлов ташкилотчилигига ўргатиш, жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш борасида Марказий сайлов комиссияси томонидан

амалга оширилган ишларнинг узвий давомидир.

Таъкидлаш ўринлики, Марказий сайлов комиссиясининг мазкур қарори мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Энди унинг ижросини таъминлашга ҳам бошқа яна кўплаб ҳамкорларимиз билан биргаликда киришдик.

Маърузабозлик ўтмишда қолди

— Сир эмас, жойлардаги баъзи сайлов комиссиялари аъзолари малакасининг пастиги ҳақида эътирозларга сабаб бўлади. Мамлакатимизнинг бош сайлов органи томонидан бундай муаммоларни ҳал этиш юзасидан қандай чора-тадбирлар қўрилмоқда?

— Ана шундай эътирозларни рад этмаган ҳолда, бир гапни алоҳида таъкидлашни истардим: мамлакатимиз сайлов қонунчилиги миллий ҳуқуқий тизимдаги энг самарали ва илмий ривожланган йўналишлардан биридир. Уни ўқиш-ўргатиш — давомли жараён.

Марказий сайлов комиссиясининг муҳим вазифаларидан бири — Сайлов кодексининг 14-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мазкур Қонуннинг ижросини назорат қилиш, унинг бир хил тарзда қўлланиши, сайлов комиссиялари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширишдан иборат. Бундай улғуров мақсадга, аввало, сайлов ташкилотчиларини тизимли ўқитиш, ўргатиш ва уларнинг кўникмаларини ошириш, сайлов қонунчилигини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш орқали эришиш мумкин.

Сайлов кодекси қабул қилиниши муносабати билан Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури қабул қилинди. Дастурда белгиланган кенг қўламли вазифаларнинг ижросига эса ҳар қачонгидан эрта — июнь ойиданоқ киришилди.

Барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзоларига номзодларнинг сайлов қонунчилигидаги аниқликлар, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга оид билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган семинар-тренинглари одатдагидан уч ой аввал — 3 августдан бошланди. Илгарилар бундай тадбирлар сай-

лов кампанияси эълон қилинганидан сўнг — кеч қузда бошланар, машғулотлар кўпинча бутун туман ёки вилоятдаги барча даражадаги сайлов комиссиялари раҳбарларию, аъзолари, яъни 300 — 400 киши бир маҳабатли залга йиғилиб, уларга икки-уч соат узундан узун ва зерикари маърузалар ўқишдангина иборат бўларди. Сабаби — вақт тизим, молиявий имкониятлар малакали мутахассислару экспертларни ўқитиш жараёнига кенг жалб этиш имконини бермасди.

Давлатимиз раҳбари томонидан энди стратегик мақсадларимиз аниқ ва равшан белгилаб берилди. Яъни демократик, инсонпарвар давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини янада юксалтириш, пировардида халқимизни ҳаётдан рози қилиш, унинг янада фаровон яшашини учун барча шарт-шароитни яратишдан иборат.

Муштарак мамлакатимиз ўз тараққиётининг наватдаги юксалиш босқичи сари дадил қадам қўйди. Эндики сайловлар ҳам ана шу давр руҳида, тартиб-тамоийлардан асосида ўтказилиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

Шу боис Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат юридик университети, бошқа етакчи олий таълим муассасалари, Адлия, Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамда соҳанинг бошқа таълим, илмий, амалий, тадқиқот муассасалари олимлари, экспертлари ва амалиётчилари билан ҳамкорликда семинар-тренинглари дастурига ишлаб чиқилди.

Бунда аниқланиб кетдики, мамлакатимиздаги кўникмаларни юксалтиришга қаратилган дастурий ишлаб чиқилди. Бунда аниқланиб кетдики, мамлакатимиздаги кўникмаларни юксалтиришга қаратилган дастурий ишлаб чиқилди. Бунда аниқланиб кетдики, мамлакатимиздаги кўникмаларни юксалтиришга қаратилган дастурий ишлаб чиқилди.

Кўлами — кенг, самараси — юксак

— Бундай шароит ҳамма жойда бир хил яратилганими ё фақат иррик шаҳарлардами?

— Семинар-тренинглари пойтахт Тошкентда ташкил этиладиган ёки бошқа қишлоқ бўлган узоқ тумандами, бундан қатъи назар, машғулотлар сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича малакали экспертлар, олимлар ва тажрибали амалиётчилар томонидан ўтказилмоқда. Ўқув якунлангач, семинар-тренинглари тингловчиларига Марказий сайлов комиссиясининг махсус сертификати берилмоқдаки, бундай ҳужжат сайлов фаолларининг истиқболдаги фаолиятида ҳам қўл келиши, шубҳасиз.

Ўқитишнинг юқоридан қуйига қараб кенгайиб, тақомиллашиб борадиган кўп босқичли бундай усули ўз самараларини бермоқда. Якунига етган икки босқичда сайлов комиссияларининг 51 мингга яқин раис, раис ўринбосари ва котибалигига номзодлар уч кунлик курсларда ўқитилди. Шу кунларда семинар-тренингларида наватдаги босқичи давом этмоқда. Ўқишларга 30 мингдан кўпроқ сайлов комиссиялари аъзолари жалб этилган. Барча даражадаги сайлов комиссияларининг аъзолари икки кунлик семинар-тренингларда ўз билими ва кўникмасини ошираётми. Сайлов кунига ҳам 180 мингга яқин кишилар тизимли равишда ўқитилди.

Бундай кенг қўламли ўқитиш — семинар-тренинглари мамлакатимиз миллий сайловлари тарихида биринчи марта йўлга қўйилди.

Нават — сайловчиларга

— Демак, энди нават — сайловчиларга, уларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимининг янада оширишга?

— Албатта, шундай эзгу ният билан «Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги»ни ўтказишга киришилди. Зеро, сайлов — фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокларининг асосий шакли, уларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқариши, хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим сиёсий тадбирдир.

Мазкур сиёсий тадбирни мамлакатимиз Конституцияси ҳамда қонунлари, умумэтироф этилган халқаро демократик стандартлар асосида ўтказиш кўп жиҳатдан фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги, фуқаролик бурчини чуқур англашига боғлиқ.

Сайловчилар жамиятга олиб бориладиган демократик ислохотлар ва уларнинг самараларидан кенг хабардор бўлган, ўз овози жамият ҳамда давлат ҳаёти, мамлакатининг келажаги учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини англаб етган тақдирдагина сайловлардан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Янги қабул қилинган Сайлов кодекси билан сайлов қонунчилигига киритилган сўнги янгиликлар, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шунингдек, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш бўйича ишлар самардорлигини янада ошириш — долзарб вазифа.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси аҳолининг кенг қатламли, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи марта овоз берадиган фуқаролар, нурунийлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳарбий хизматчилар, меҳнат жамоалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ўртасида, улар-

нинг сайлов жараёнида фаоллигини ошириш, сиёсий билим даражасини юксалтиришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигини янада юксалтириш мақсадида, 2019 йилнинг 20 октябидан 20 ноябргача мамлакатимизда «Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги»ни ўтказишга қарор қилди.

Шулардан келиб чиқиб, сайловлар билан боғлиқ жараёнлар бўйича тарғибот тадбирларини амалга ошириш ҳамда уларни оммавий аxbорот воситалари орқали кенг ёритиб боришга қаратилган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш мобайнида давлат ҳокимияти вакили органларига сайловларни ўтказишда сайловчиларнинг ҳуқуқий билимининг ва сайлов маданиятини юксалтириш, Сайлов кодексининг мазмун-моҳиятини аҳолига етакчи, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақида кенг тушунтириш ва сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш мақсадларини очиб бериш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда сайлов комиссияларининг тугган ўрни тўғрисида хабардор қилиш, овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартиб-таомилларни тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда тарғиботнинг барча илгир технологияларидан, жумладан, давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар, бевосита мулоқотлар, конференциялар, тренинглари, ўқув дарслари, танловлар, викториналар ўтказиш, шунингдек, оммавий аxbорот воситалари, ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш назарда тутилган.

Бундай тадбирларнинг барчаси, пировард натижада аҳолининг сайловларда фаол иштирок этиши ва мамлакатимиз тақдири учун дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қиладу.

Эзгу интилиш

— Билишимизча, МСК қароридан Халқ таълими вазирлиги зиммасига ойлик доирасида умумтаълим муассасаларининг ўқувчилари ўртасида «Мен ҳам келажакда овоз бераман!» мавзусида ишлар ва расмлар танловларини ташкил этиш вазифаси юксалган. Сайлов масалаларига ўқувчиларни жалб этиш сал эртатароқ эмасмикин?

— Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Мамлакатимизда ёшларнинг, жумладан, ўқувчиларнинг ҳам, сайловларга оид ҳуқуқий билимининг ошириш фойдадан холи эмас. Сабаби, сўнги йилларда кучли демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида дадил қадамлар ташланган Ўзбекистонда умумэтироф этилган халқаро принциплари ўзига сингирган кўлаб янги қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Уларни ўқиш-ўргатиш ва билиш ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, фаровон ҳаётга эришишнинг энг

муҳим шартларидан биридир. Зеро, сайловчи сайлов бюллетенини тўлдирган экан, сайлов жараёнлари, сиёсий партиялар, давлат ҳокимиятининг бўлиниши, қонунлар нимаю улар қандай қабул қилиниши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб, онгли равишда овоз бериши қийин. Бундай илгир демократик гояларни ўғил-қизлар онгига ёшликдан сингирдиш — ўзининг эртасини ўйлаган миллат, халқ учун жуда зарур, деб ўйлайман.

Шу боис ўқувчилар ўртасида «Мен ҳам келажакда овоз бераман!» мавзусида сайловларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятига оид тушунчаларни шакллантиришга қаратилган ишлар ва расмлар танловларини ўтказиш — ҳар томонлама кўлаб-қувватлашга арзийдиган ташаббус.

Барча саволга жавоб бор

— «Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги»ни ўтказиш жараёнида қонун ҳужжатлари, жумладан, Сайлов кодекси, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва зарур адабётлардан фойдаланишга эҳтиёж сезилиши табиий. Уларни қардан ва қандай топиш мумкин?

— Умид қиламизки, сайловлар жараёнида аxbорот-коммуникация технологияларини қўллаш кўлами кенгайиб бораётган замонда айтиш масаласида муаммо бўлмайди. Аввало, Марказий сайлов комиссиясининг расмий elections.uz веб-сайтдан сайловларга оид деярли барча зарур қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси, шунингдек, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, шарҳлар, мақолалар ва экспертлар фикрларини бемалол топиш мумкин.

Айтиш жоизки, сайлов ташкилотчилари ва сайловчилар тезкорлик билан фойдаланиш учун махсус ишлаб чиқилган «Saylov — 2019» мобил ўлчам зарур маълумотлар билан муттасил бўлиб бериш мумкин. Махсус Телеграм-бот мессенжер канали ишлаб турибди. Қолаверса, Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида мунтазам ишлаб турган умумреспублика «1197» телефон рақамига бепул кўнгилроқ қилиб, мамлакатимизнинг сайлов қонунчилиги, жорий йилдаги сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга доир барча саволларга мутахассис ва экспертлардан малакали жавоб олиш мумкин.

Буларнинг барчаси, пировардида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, фарзандларимиз келажаги, Ватанимизнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга хизмат қиладу.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Эътироф

«ТИЛ МИЛЛАТНИНГ РУҲИ, ЖОНИДИР»

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллиги муносабати билан «Дунё» аxbорот агентлиги мухбири Шуҳрат Умиров Хитой Марказий миллиятлари университетини Дунганшуолик институти директори, профессор Ху Чженьхуа билан суҳбатлашди.

Хитойлик олим мамлакат олий таълим муассасаларида ўзбек тилининг ўргатилишига қаратилган эътибор, миллий тилни авайлаб асраш, ўзбек тилининг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларни билдирди.

— Ўзбек тили жуда бой тилдир, — дейди хитойлик олим. — Унинг давлат тили сифатида қонун билан кафолатлангани, мамлакат Конституциясида муҳралгани жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонга кўп маротаба борганман. Олимлар ва ёзувчилар билан мулоқотда бўлганман, тарихий кўлэмалар билан танишганман. Юртингизда бебаҳо кўлэмалар, жуда бой ва дунёда ўқшаш йўқ тарихий-маданий мерос мавжуд. Шубҳасиз, тил бўлмаса, биз бундай меросдан баҳраманд бўла олмаз эдик. Тил инсоният учун нафақат асосий мулоқот воситаси, балки ҳар бир миллатнинг руҳи, жонидир. Тил бўлмаса, миллат ҳам бўлмайди.

Ўзбек халқининг мумтоз адабиёти, бой маданий-маънавий мероси ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Биргина Алишер Навоийни олайлик. Бу улғу шоир ва мутафаккирининг «Фарҳод ва Ширин» ёки «Дайли ва Мажнун» ҳамда бошқа асарлари, бой фалсафий мазмунга эга бетакрор ғазалларига Хитойда ҳам кўпчилик ошно. Чунки Алишер Навоийнинг асар-

лари бир неча маротаба хитой тилида нашр этилган. Булардан ташқари, ўзбек тили дарсликлари, ўзбекча — хитойча сўзлашгич ва икки мамлакат халқлари тарихига оид қатор китоблар ҳам маҳаллий халқ тилида чоп қилинган.

Халқингизда «Тил билган — эл билади», деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам тил билишда ҳикмат кўп. Ёшлар қанча кўп тилни ўзлаштира, шунча яхши. Бироқ инсон неча хорижий тилда мулоқот қилишга қодир бўлмасин, аввало, ўз она тилини билмоғи, уни ҳурмат қилмоғи ва авайлаб асрамоғи лозим. Ватанпарварлик ҳам, аввало, она тилига муҳаббат ва эҳтиромдан бошланади. Миллат айнан тил воситасида бирдамликка эришганидек, турли халқлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳам тил воситасида раванк топлади.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори ўзбек тилининг давлатчилик тимиоли, бебаҳо маънавий бойлик ва буюк қадрият сифатидаги ўрни ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилишига аминман.

«Дунё» АА. Пекин

ЎМОН МАДАНИЯТИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Ўмон Султонлигининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида «Бағрикенглик, ўзаро англашув, бирдамлик ва тотувлик: Ўмон ислом рисоласи» номли фотокўргазма ташкил этилди.

Кўргазма

Тадбир доирасида юртимиздаги барча ижодкор ва ҳавасқор ёшлар ўртасида «Бағрикенгликни тарғиб қил!» қўриқ-танловини ҳам бўлиб ўтмоқда. Унда ижодкорлар тасвирий

санъат, фото ва ҳайкалтарошлик асарлари билан қатнашапти.

— Кўргазмани ташкил этишда бизга яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон халқаро ис-

лом академиясидан миннатдоримиз, — дейди кўргазма бош мувофаклаштирувчиси, Ўмон Султонлигининг вақф ва дин ишлари вазирлиги маслаҳатчиси Муҳаммад ал-Маъмарий. — Дунёда юз бераётган нотинч вазият, ўзаро зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги шароитда умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, мамлакатлар ўртасида илмий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, дўстлик ва бирдамлик алоқаларини мустақамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кўргазма ҳам мамлакатларимиз ўрта-

сидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашишда муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз.

Тадбир доирасида видеолавҳалар, соялар санъати, араб хаттолтиги, Ўмон маданияти ҳақидаги китоблар тақдимоти, амалий санъат, «Бағрикенглик учун нима иш қилдинг?» номли викторина, қум анимацияси санъати, замонавий Ўмон фотокўргазмаси ҳам ташкил этилади.

Кўргазма жорий йилнинг 25 октябрга қадар давом этиди ҳамда ўша кунги танлов голиблари тақдирланади.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 261/2018-14-сонли шартномага асосан <https://www.e-aukcion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2019 йил 5 ноябрь кунини ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	И/ч йили	Давлат рақами	Умумий босиб ўтилган масофа	Баланс қиймати	Амортизацияси	Колдик қиймати	Хулоса	Техник ҳолати	Тақлиф қилинган нарх	Лот №
1.	«Damas»	1998	95 153 EAA	663854	18 754 299,74	18 754 299,74	0	Сотиш	носоз	11 620 260,70	0130617
2.	«Damas»	2001	95 135 EAA	593721	23 342 630,57	23 342 630,57	0	Сотиш	носоз	12 562 444,00	0130603
3.	«УАЗ-39091»	2001	95 863 DAA	536845	21 797 133,96	21 797 133,96	0	Сотиш	носоз	8 000 000,00	0130620
4.	«УАЗ-315142-012»	2006	95 896 DAA	401165	40 781 156,02	40 781 156,02	0	Сотиш	носоз	7 560 000,00	0130613
5.	«УАЗ-315142017»	2003	95 982 MAA	553194	66 961 928,03	66 961 928,03	0	Сотиш	носоз	7 245 000,00	0130621
6.	«УАЗ-315142017»	2003	95 147 EAA	312939	18 441 840,24	18 441 840,24	0	Сотиш	носоз	7 245 000,00	0130606
7.	«УАЗ-315142017»	2003	95 159 EAA	482961	18 441 840,24	18 441 840,24	0	Сотиш	носоз	7 245 000,00	0130609

ҲАР БИРИМИЗ ДАВЛАТ ТИЛИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРНИ МУСТАҚИЛЛИККА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ДЕБ, ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИРОМ ВА САДОҚАТНИ ОНА ВАТАНГА ЭЪТИРОМ ВА САДОҚАТ ДЕБ БИЛИШИМИЗ, ШУНДАЙ ҚАРАШНИ ҲАЁТИМИЗ ҚОИДАСИГА АЙЛАНТИРИШИМИЗ ЛОЗИМ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ота ўғити

Ҳар битта сўз — сувдек азиз,
Ҳар битта сўз — нондек увол.
Тил бойлигини боғ деб билсак,
Ҳар битта сўз — битта ниҳол.

Бирон сўзини исроф қилмоқ
Бир кўчати юлмоқдир.
Бора-бора отамерос —
Боғни хароб қилмоқдир.

Э болам, ёт юртга борсанг,
Не атамур элинг, дерлар.
Қай миллатнинг вақлисан,
Борми она тилинг дерлар.

Шунда менинг кутлуғ тилим —
Навойнинг шери, дегил.
Юртим — Улуғбеу Бобур,
Амир Темур ери, дегил.

Айт, гурур-ла Берунийлар,
Фарғонийлар аждодим, деб.
Қошғарийлар дарсан тилгаб,
Ўткирганган саводим деб.

Мақтанма ҳеч қиммат кийим,
Олтинлару қасринг билан.
Фахр эт доим қудратли юрт,
Бой тил, насаб-наслиг билан.

Обрўингни балаид тутмоқ,
Э болам, ўз қўлигдаидир.
Сенинг оламдаи парҳиз
Ватан, миллат, тилигдаидир.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шoirи.

Таклиф

Ҳар қандай миллат дунё минбарига қадамни дастлаб ўз она тили орқали қўяди, ҳар қандай ишлаб чиқариш махсулоти муваффақиятли танланган ном орқали машхурилик пиллапоясига эришади.

Номлар тил меъёрларига мос бўлсин

Афсуски, юртимизда ишлаб чиқариш, савдо-сотик объеклари, корхона, муассаса, фирма, маҳсулотларга хориж тилларида ном қўйиш урфга айланб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда бу борада инглизча сўзларга кўп муурожаат қилинмоқда, бунинг сабабларини турлича изоҳлаш мумкин. Шу орқали тадбиркорлар истеъмолчилар эътиборини ўзига жалб қилишни ёки ўз махсулоти яна хажон бозорига олиб чиқариш мақсад қилаётган бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолатда номлар, аввало, давлат тилида бўлиши лозим. Бу борада ажнабий сўзлардан фойдаланиш, бир томондан, она тилимизга соя солиш, унинг қўлланиш доирасини кенйтиш, софлиги пугур етказишга олиб келса, бошқа томондан, кишиларда давлат тилига бепиридли кайфиятини ҳосил қилади.

Албатта, ҳар бир тилда ном яратишнинг муайян талаб ва мезонлари мавжуд. Ном ишлаб чиқариш, савдо-сотик объекти, маҳсулот, унинг маркази (бренди) ҳақидаги энг муҳим маълумотларни ақс эттириши, халқнинг умуммиллий маданий қарашлари, аънаналари, менталитети, дунёқараши, психологиясига зид келмаслиги шарт. У инсонда ёлгон тасаввур уйғотмаслиги, ақинчи, уни ўзига жалб этиши, тасаввурда ижобий муносабат ҳосил қилиши ҳамда хотирасида тез ва осон сақланиши, барча учун тушунарли, аниқ ҳамда талафузга осон бўлиши, энг муҳими, махсулот ва истеъмолчи ўртасида алоқа кўприги вазирасини бажариши лозим. Шундангина танланган ном махсулотнинг кенг тарқалишига, бозорда рақобатбардошлигини таъминлашга ёрдам беради.

яъни нейминг технологияси асосларидан хабардор қилиши, уларга услубий кўрсатмалар бериш долзарб масалалардан биридир. Айни пайтда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олсак, биринчи тақрорламайдиган, янги номларни топиш ҳам осон эмас, албатта. Компания, фирма, бренд ҳамда ишлаб чиқариш, савдо объектилари, маҳсулотларга ном қўйиш жараёнини енгилаштириш, уларнинг халқимизнинг миллий аънаналари ва менталитетига, "Давлат тили ҳақида"ги Қонунга мос бўлишини таъминлаш бўйича услубий кўрсатмалар, номлар захирасини яратиш иши йўлга қўйилиши керак.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташаббуси билан "Ўзбекча номлаш (нейминг) лабораторияси" ўз фаолиятини бошлади. Инновацион ривожланиш вазирига билан ҳамкорликда интернет тармоғида халқимиз, хусусан, тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар учун info.nom.uz сайти фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа ташкилот, корхона, муассаса, ишлаб чиқариш маҳсулотлари учун миллий номлар захирасини яратиш, ўзбекча номлаш (нейминг) хизматини йўлга қўйиш, қўлланилаётган ишлаб чиқариш, савдо объекти, махсулот номларини тартибга солиш, яъни ишлаб чиқариш маҳсулотларига ном бериш шариҳининг олдини олишга хизмат қилади.

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА,
филология фанлари доктори, профессор,
Муазсар САПАРНИЯЗОВА,
филология фанлари номзоди, доцент.

Гурур-ифтихоримиз рамзи

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, ўқувчи-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбир

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мустақиллик йўлидаги илк қадамлардан бири бўлгани, истиқлол йилларида она тилимиз нуфузи юксалгани, тарихда биринчи марта бу тилда Давлат ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар расмий ҳужжатлар, қонунлар, давлатлараро ҳужжатлар шу тилда ёзилгани таъкидланди.

Дунёда тиллар кўп. Лекин ўзбек тили ўз жозибаси, латофати, сўз бойлиги билан ажралиб туради. Она тилимиз ўтган йиллар мобайнида илм-фан, техника, адабиёт ва санъат соҳа-

сида қандай қудратга эга эканини кўрсата олди. Тил байрами ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойида ўтказилганида ҳам рамзий маъно бор. Тилимизни бутун дунёга намойиш этиш учун маърифатпарвар боболаримиз қанча жонзаблик кўрсатган.

Филология фанлари доктори, профессор Абдулҳай Собиров, Қорақалпоғистон халқ шоири Кенесбой Каримов йилгиланларни байрам билан қўлаб, миллат ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар тилда кўзгудагидек ақс этиши, муомала маданияти, тилнинг маънавийтавими, маданиятимиз, ўзлигимизни англаш йўлидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари томонидан она тилимизни мадҳ этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар айтилди.



А. УМИРОВА
(«Халқ сўзи»).

«Муҳокамаат ул-луғатайн»да битилган сабоқ

Миллий тил ва унинг равнақи йўлида гамҳўрлик қилиш ҳамisha долзарб. Бу бир гуруҳ мутахассисларгагина тегишли эмас. Аксинча, авлодлардан-авлодларга ўтиб, бойиб ва сайқаллашиб келаётган халқ тилининг софлиги ва истиқболи ҳақида қайғуриши, она тилининг тўлақонли яшаш ҳуқуқи учун, миллат маънавияти, маърифати ва маданияти учун қурашди.

Иброт

Бу жиҳатдан Алишер Навоий ижоди ва фаолияти барча авлодларга юксак намунадир. Буюк мутафаккир «Муҳокамаат ул-луғатайн» асариди муҳим муаммо хусусида шундай ёзади: "Халқ орасидан чиққан истеъод ахли салоҳият ва қобилиятларини ўз тиллари турганда ўзга тил билан зоҳир қилмасалар ва ишга солмасалар эди. Агар иккала тилда ижод этиш қобилиятлари бўлса, ўз тилларида кўпроқ ёзсалар эди". Навоий ҳақиқий мил-

латпарвар шоир сифатида ўзбек тили ва адабиётимизнинг нечоғли рағбат ва барқарорлиги ва чексиз имкониятларини бутун ижод ва серкирра фаолияти билан исботлаб, унинг нуфузини ҳахон микдосига олиб чиқди.

Улуғ ижодкорлар халқ тилини ўрганишни ҳамisha асосий вазифа деб қараган. Бинобарин, бу жиҳатдан Абдулла Қаҳҳор ҳозирги ижодкор ёшлар олдига эъзозли бир устоз бўлиб гавдаланади. Негаки, у умрининг

охирига қадар ижод қилишдан тўхтамаганидек, тили ўрганиши ҳам ҳамisha ёзувчилик меҳнатининг ажралмас бир қисми деб билган. Адибнинг адабиёт ва танқидчилик ёхуд ёшлар маънавияти ҳамда маданиятига бағишланган биронта нутқ ё марқоласи йўқки, унда адабий тилимизнинг беқиёс бойлиги ва имкониятларидан фахрланиб ёзмаган, унинг жиддий муаммоларидан ташвишланиб, кескин фикрлар айтмаган бўлин. Мана, Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллар муқаддам ҳозирги Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети талабалари билан учрашувдаги нутқидан бир парча: "Сизлар институтни битиргандан кейин тилларига бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўрга-

тасизлар. Менинг сизларга айт-тадиган энг зарур гапим шуки: сизлар борадиган жойларингизда чет тиллар билан бирга, биринчи навбатда, ўз она тилимиз — ўзбек тилига чексиз муҳаббат тўйғусини олиб боринглар! Ўзбек тили гоят бой, ниҳоят қиройли, ҳар қандай фикр ва туйғунини ифодалашга қодир эканини амалда кўрсатинглар; қарда ва қандай шароитда ишламанглар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар!" Бу сўзлар замиридаги ҳаётий маъно, эзгу мақсад ва тиланқ Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлиши бугунги ёшларимиз учун ҳаётий бир дастуриламалдир.

Усмон ҚОСИМОВ,
Жиззах давлат педагогика институтини доценти.

«Одамийнинг яхшироғи улдурким...»

XXI асрда янги авлодларга биздан нималар қолади? Шубҳасиз, миллатнинг тили, бу тилда яратилган юксак асарлар ва улуг аждодларимизнинг шарафли номлари! Буни юракдан хис қилиб, миллат оидинларини дунёга танитаётган, жаҳоннинг энг нуфузли музейларида сақланаётган қўлёзмаларни кунт билан ўрганиб, ўз ворисларига топширган, тил ва миллат ривожига беқиёс ҳисса қўшган олимларимизнинг изланишлари ҳеч қачон бесамар кетмайди.

Тилимиз жонкуяри

Ўзбекистон Қахрамони, атоқли адабиётшунос Суййима Ғаниева Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган қатор илмий тадқиқотлари, рисоалари билан ўз номини улуглиқ пиллапоясига кўтарган олима эди. Буюк аждодимиз ижодини тўлиқ англаш учун унинг асарлари изоҳлари, бугунги адабий тилимизга таъбиқ қилинган муқобиллари, луғатлар муҳим ўрин тутди.

Суййима Ғаниева бутун умрини мана шундай эзгу ишларга бағишлади. Навоий ижодига муурожаат қилиб, ушбу буюк зот ўз асарларида она тили — туркийнинг туғанмас имкониятлари, қудрати ва қувватини намён қила олганини кўрсатиб берди. Бу бошқа туркий шоир, ёзувчилар ижодига беқиёс



лади. Навоий асарлари, тил ва услуби воситасида ўзбек тили грамматикаси ҳар қандай сўз ва ифода яратишга қодирлигини намён этди. Ҳақиқатан ҳам, буюк шоир бу тилда дунё ва миллий адабиётимизда тунгиз хазина қолдирган. Навоий даврда бери неча тиллар унутилиб, йўқолиб кетди. Қанча тиллар жуда тор доиралардагина яшаб қолди. Суййима Ғаниеванинг Навоий асарлари асосида яратган луғатлари эски туркий сўзларнинг бугунги она тилимизга истеъмолга киритилишига хизмат қилди. Масалан, ўрта асрларга оид кўпглаб ҳарбий атамалар адабий тилимизга кириб келди. Суййима Ғаниева

Навоийнинг серкирра ижодини асарларини бошқа тилларга таржима қилиш орқали миллатпарварлиги, юртпарварлиги, маърифатпарварлигини исботлади. Матнушоносик ва таржима — заҳматталаб иш. Олима талабалани йилларидан кўплаб кутубхоналарда ўтириб, Навоий ижодининг тиражлари, мураккаб бадииятини халқона тилда очиб бериш йўлини излади. Замондош навоийшунослар орасида улуг буюкмизнинг табарруқ дастхатини қуришга мушарраф бўлди. Унгача Навоийнинг бизгача ўз қўли билан ёзган бирор асари етиб келганмикин, деган савол атрофида фикр юрият эдик. Суййима опа 1991 йилда Фирдавсий "Шоҳнома"сининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро конференция муносабати билан Техронга бориб, "Ҳохи Гулистон" номли музейда Навоий дастхатини топти.

Суййима Ғаниева 1983 йилдан бошлаб, 2003 йилгача нашрлар изохи ва таржималари устида қанча тер тўқди. Ҳар бир жилди маънавий-маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Навоийнинг тасаввурга оид асарларининг тўлиқ

матни дoston ва насрдаги аънавий "ҳамд", "наъз" қисмларини кел-ракли изоҳлари билан тиклаган, "Муножот", "Сирож ул-муслимин" асарларини Навоий асарларининг 20 жилдлигига киритган, олти жилд нашрини тайёрлаган, икки жилдга муҳаррирлик ва яна бир жилдга изоҳлар тузган. Юртимизда Навоийнинг китобларидан бирор жилди кириб бормаган кутубхона даярли йўқ.

Алишер Навоий "Маҳуб ул-қулуб" асариди: «Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзини айтурда беваму бок бўлғай. Ўзи поку, кўзи покни инсон деса бўлур, тили ариғ (носик) ва кўнгли ариғни муслмон деса бўлур», дейди. Суййима Ғаниева том маънода, умр бўйи шу ақидага амал қилиб яшади. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиб, илмий рисоалари орқали она тилимиз равнақига беқиёс ҳисса қўшди. Заҳматқара олимимизнинг илмий изланишлари келгуси авлод учун катта маънавий мерос бўлиб қолади.

«Халқ сўзи».

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 45 962 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетимиз ҳақидаги маълумотларни юлба олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ёлчилар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштираган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашруёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Муасхих — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашруёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 01.45 Тошйирлиди — 03.20 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

